

ISSN: 2450-8160

# Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa  
2021

## Editorial Team

---

**Editor-in-chief:** *Gontarenko N.*

---

### EDITORIAL COLLEGE:

---

**W. Okulicz-Kozaryn**, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

**L. Nechaeva**, *PhD, PNPUI Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

**K. Fedorova**, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

## ARCHIVING

*Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](http://ejournals.id) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.*

## PLAGIARISM POLICY

*The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.*

## **About the Journal**

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N ([info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ФИКРИНИНГ  
ҚЎЛЛАНИЛИШИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР**

**Ш.Х.Маматалиева,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
Прокуратураси Академияси  
"Прокурорлик фаолияти"  
магистратура тингловчиси,  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент  
shahnozaxushmamatovna64689397@gmail.com

*Аннотация. Мақолада фуқаролик процессида прокурор фикрининг муҳимлиги, прокурор фикри тушунчасининг ҳуқуқий таърифи, меъёрий талаблари, тақдим этиш шаклининг мавжуд эмаслиги юзасидан таҳлилий фикрлар берилган. Шунингдек, процессуалист олимлар нуқтаи назарлари ўрганилиб, тегишли хулоса ва таклифлар берилган.*

*Калит сўзлар: фуқаролик процессида прокурор фикри, меъёрий талаблар, прокурор фикрининг ёзма тақдим этилиши.*

**НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ПРИМЕНЕНИИ ЗАКЛЮЧЕНИЯ  
ПРОКУРОРА ПО ГРАЖДАНСКОМУ ПРОЦЕССУ**

**Ш.Х. Маматалиева,**  
Студент магистратуры,  
"Прокурорская деятельность",  
Академия Генеральной прокуратуры,  
Ташкент, Республика Узбекистан  
shahnozaxushmamatovna64689397@gmail.com

*Аннотация. В статье приводятся аналитические взгляды на важность мнения прокурора в гражданском процессе, правовое определение понятия мнения прокурора, нормативные требования, отсутствие формы представления. Также были изучены точки зрения ученых-процессуалистов и даны соответствующие выводы и рекомендации.*

*Ключевые слова: в гражданском процессе мнение прокурора, нормативные требования, письменное представление мнения прокурора.*

## SOME PROBLEMS IN THE APPLICATION OF THE PROSECUTOR'S OPINION ON CIVIL PROCEDURE

**Sh.Kh.Mamatalieva,**

Student of Master`s Degree,  
"Prosecutorial activity",

The Academy of the General Prosecutor`s office,  
Tashkent, Republic of Uzbekistan  
shahnozaxushmamatovna64689397@gmail.com

*Abstract. The article presents analytical views on the importance of the prosecutor's opinion in civil proceedings, the legal definition of the concept of the prosecutor's opinion, regulatory requirements, and the lack of a form of representation. The points of view of pro-processualist scientists were also studied and relevant conclusions and recommendations were given.*

*Keywords: в гражданском процессе мнение прокурора, нормативные требования, письменное представление мнения прокурора.*

Фуқаролик процессида прокурорнинг ваколатлари сифатида кўрилатган иш юзасидан фикр бериш ваколати ҳам келтириб ўтилган бўлиб, бу масала процессуалист олимлар томонидан турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Прокурор фикри - ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан сўнг прокурорнинг протести бўйича қайта кўрилатган суд ҳужжатларидан ташқари, прокурор суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида фикри . Қуйида прокурор фикрини батафсил таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 51-моддасида прокурор иш муҳокамаси вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиши мумкинлиги тўғрисида норма мустаҳкамланган. Шунингдек, 245-моддада ишда иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин низонинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар мустасно эканлиги ҳам алоҳида таъкидланган. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, бугунги қонунчилигимизга асосан прокурор иштироки мажбурий тоифадаги ишлардагина прокурор фикр бериши мумкин. Прокурорнинг фуқаролик судларида фикр беришини процессуалист олимлар талқинида қандай эканлигини қуйида таҳлил этамиз.

Адабиётларда прокурор фикрининг фуқаролик процессида мавжудлигининг муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, суднинг фикри ва прокурорнинг билдирилган фикри муҳокама қилинмоқда. Айни пайтда прокурорнинг фикр билдириш ва суд қарорлари устидан шикоят қилиш ваколатлари фуқаролик



процессда прокурор назоратининг процессуал воситаси эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш мумкин эмас , дея такидлайди баъзи олимлар. Бошқа процессуалист олимлар эса "Прокурор ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далилларнинг мавжудлиги масалаларида, судда иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принципига амал қилган ҳолда, далил-исботларни текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, қўшимча далиллар тўплашда ташаббус кўрсатиб, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаб, ишнинг моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, ишни ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона кўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига кўмаклашиши лозим бўлади" , - деган фикр билдиради. Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда прокурор фуқаролик процессда иштирок этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида суд жараёнига нисбатан фикр билдириши бошқа субъектлардан алоҳида устунлик касб этмайди деб ҳисоблаймиз. Бу борада процессуалист Ю.В. Корулина прокурорнинг фикр билдиришини императив деб ҳисоблайди ва судни тўғри қарор қабул қилишига кўмаклашувчи шахс сифатида баҳолайди. Унинг фикрига кўра, "фуқаролик иши бўйича прокурор фикри адолатли бўлиши, қонун устуворлигини таъминлаши, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини очиб бериши керак" . Бир сўз билан айтганда, прокурорнинг процессда иштирок этишидан асосий мақсад ҳам шунда. А.В. Китаева, аксинча, прокурорнинг иш бўйича фикр билдириш жараёнига кириши фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирок этишининг диспозитивлик ва қарама-қарши шакли эканлигини қатъиян таъкидлайди. Шу муносабат билан муаллиф уни прокурор ваколатларидан чиқариб ташлаш лозимлиги тўғрисида фикр билдиради . Яна шундай фикрлардан бири, яъни "Эътироф этиш лозимки, суд амалиёти таҳлилига кўра, фуқаролик суд ишлари юритишнинг аксарият қисмида фуқаро билан фуқаро ўртасидаги низоли ҳуқуқий муносабатлар кўриб чиқилади. Низоли ҳуқуқий муносабатда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этаётган фуқаролар қонун олдида тенг бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг исботлаш ва далилларни тақдим этиш мажбурияти тўғрисидаги 72-моддасига мувофиқ ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Мана шундай ҳолатда, яъни фуқаролар бири-бирига нисбатан тараф сифатида суд жараёнида низолашаётганида нуфузли давлат органининг вакили - прокурорнинг иштирок этиши ва иш натижаси бўйича гарчи қонуний бўлса-да, у ёки бу тарафнинг манфаатида фикр бериши тарафларнинг тенглиги тўғрисидаги принципга муайян даражада таъсир ўтказади" . Бу фикрлардан шуни билишимиз мумкинки, прокурор иштироки тенгликнинг бузилишига олиб келади. Бироқ, бу масалага биз бошқача ёндашамиз, негаки, биринчидан прокурор фикри тавсиявий характерга эга, бундан ташқари прокурор судда фикр беришдан мақсад тенгликни бузиш ёхуд айни бир шахс манфаатини ҳимоя қилиш эмас, балки суд ҳужжатининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлаш, шунингдек судга холисона кўмаклашишдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, прокурорнинг фикри

тортишувчанлик тамойилларининг ишлашига таъсир қилмайди, чунки прокурор низолашаётган тарафлардан бирортасини қўллаб-қувватламайди, уларнинг позициясини исботлаш жараёнида иштирок этади.

Бундан ташқари, прокурор мустақил процессуал позицияни эгаллайди ва махсус ҳуқуқий билимларга эга бўлиб, томонлар тақдим этган барча далилларни ҳисобга олган ҳолда иш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беради.

Бироқ, шуниси қизиқки, прокурорнинг фикрига қўйиладиган талаблар қонунчилигимизда ўз аксини топмаган. Амалиётда иш юзасидан оғзаки фикр билдириш, батафсил ҳужжат тузиш ва прокурор томонидан фикр шаклини тўлдириш ҳоллари учраб туради. Шу ўринда савол туғилади: фикр прокурор томонидан имзоланган алоҳида ёзма ҳужжат шаклида тузилиши керакми ёки оғзаки ўқиб эшиттирилиши мумкинми?

Бу борада хориж тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Россия Бош прокуратурасининг 2017-йил 10-июлдаги №6-сонли "Фуқаролик ва маъмурий процессларда прокурорларнинг иштирокини таъминлаш тўғрисида" ги 475-сонли буйруғида прокурорнинг фикрини ёзма равишда тузиш кераклиги ҳақидаги аниқ талаб қўйилган. Россия Федерацияси фуқаролик процессуал кодексининг 229-моддасига кўра, прокурор хулосасининг мазмуни суд мажлиси баённомасида акс этирилади. Аммо бу борада С. Г. Бйвалцева, бу етарли емас ва суд мажлисининг баённомасида прокурор хулосасининг бузилишининг олдини олиш учун хулоса ёзма равишда бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ёзма фикр билдирилиши прокурорнинг масъулиятини ошириб, ишга жиддий тайёргарлик қўришига замин тайёрлайди. Масалан, М.М.Закаряева прокурорнинг фикри фақат тушунтиришлардан иборат бўлмасдан, балки иш материалларини таҳлил қилиш асосида кўрсатилган даъвони қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад етиш зарурлиги ҳақида батафсил тушунтириш беришга мажбурдир, - дея таъкидлайди. Афсуски, амалиётимизда баъзи ҳолларда прокурор ишни судларга ҳавола қилиш билан чекланиб қолмоқда. Албатта, бу каби қўштирноқ ичидаги прокурорлар ҳисобига бутун бошли тизимга нисбатан ишончсизлик муҳити айдо бўлмоқда. Шунинг учун ҳам прокурор фикри ёзма тақдим этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Юқоридаги фикрларни инкор этган процессуалист Ю. Н. Извековнинг ёзишича, прокурор фикрининг ёзма шакли, агар у суд жараёни бошланишидан олдин маълумотларни йиғиш, тасдиқлаш ва зарур текширувларни ўтказиш асосида тузилган бўлса, мажбурий ҳисобланади. Бироқ, прокурорнинг фикри суд мажлисида кўриб чиқилган далилларга асосланиши керак бўлгани учун, суд жараёнида илгари номаълум бўлган қонуний аҳамиятга молик ҳолатлар аниқлаштирилиши мумкин ва бу эса прокурорнинг фикри ўзгаришига сабаб бўлади. Муаллифнинг фикрича, ёзма ҳужжатни ўзгартириш зарурати-прокурор фикри суд жараёнини кечиктиришга сабаб бўлади, шунинг учун бундай вазиятда прокурор фикрини оғзаки ўқиши ва суд мажлиси баённомасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, прокурор юқори сифатли ва қонуний асосланган фикрни ёзма равишда тайёрлаш учун вақт керак, бу эса суд мажлисининг тўхтатилишини ёки танаффус эълон қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлишини тақазо этади. Бу ҳолда танаффус эълон қилиниши мақсадга мувофиқдир, негаки суд мажлиси суд муҳокамаси бошланган пайтдан бошлаб давом этади ва ишни кўриб чиқишда кечикишлар бўлишининг олдини олади.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, прокурор фикри билан боғлиқ қўйидаги муаммолар мавжудлигини аниқлаймиз:

Биринчидан, - қонунчилигимизда "прокурор фикри" тушунчасининг ҳуқуқий таърифининг йўқлиги;

Иккинчидан, "прокурор фикри" нинг шакли ва мазмунига қўйиладиган меъёрий талабларнинг мавжуд эмаслиги.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қўйидагиларни таклиф этамиз:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексига "прокурор фикри" тушунчаси таърифни киритиш.

2. "Прокурор фикри" га маълум меъёрий талабларни киритиш ва уни ёзма шаклда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

3. Ёзма шаклдаги "прокурор фикри" да қўйидаги талабларнинг жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди, яъни

- 1) талабнома берувчининг (даъвогарнинг) даъво мазмуни;
- 2) суд жараёнида белгиланган ҳолатлар;
- 3) ушбу ҳолатларни қўллаб-қувватловчи далиллар;
- 4) суд даъво ёки аризани ҳал қилишига асос бўлувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- 5) даъвонинг қаноатлантирилиши (тўлиқ ёки қисман) ёки қаноатлантирилмаслиги кераклиги тўғрисидаги асосли хулосалар;
- 6) жавобгарнинг даъвогарга нисбатан мажбурияти нимадан иборат эканлиги;
- 7) суд харажатларининг қопланиши масаласи.

4. Прокурор ўз нутқини ёзма шаклда тайёрлаб келган вақтда, агарда иш учун аҳамиятли далил аниқланиб, прокурор фикрининг жиддий ўзгаришига сабаб бўладиган ҳолат вужудга келган тақдирда прокурор нутқига ўзгартириш киритиши учун суддан вақт сўраш ҳуқуқини бериш ва уни қонунчиликда мустаҳкамлаш.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. <http://www.lex.uz> 18.05.2021
2. Фуқаролик суд ишларини юрителининг ўзига хос хусусиятлари / Муаллифлар жамоаси. Илмий-амалий қўлланма. -Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020 й. - 152 б.
3. Шодмонов Ф.Ю., Мамасиддиқов М.М., Алимарданов Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари - 2014. - 95 б.
4. Крутиков М.Ю. Гражданско-процессуальный статус прокурора // Современное право 2007. № 5. 155 С.
5. Корулина Ю.В. Критерии допустимости прокурорского вмешательства // Законность. 2010. № 10.
6. Китаева А.В. Актуальные проблемы участия прокурора в гражданском процессе // Международный научный журнал "Инновационная наука". 2016. № 3. 70 С.
7. Бывальцева С.Г. Заключение прокурора в гражданском процессе // Законность. 2010. № 5. 110 С.
8. Закаряева М.М. Проблемные вопросы участия прокурора при рассмотрении отдельных категорий дел особого производства // Законы России: опыт, анализ, практика. 2018. № 6. 204 С.
9. Извеков Ю.Н. Заключение прокурора по гражданскому делу // Вестник Белгородского юридического института МВД России. 2016. № 2. 105 С.
10. <http://hudud24.uz/sud-jarayonida-prokuror-ishtiroki-shart-mi/> 23.02.2021
11. <http://www.duma.consultant.ru> 18.05.2021